



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 27 апрель, № 86 (7866)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## УЙ-ЖОЙЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 37 минг 402 та кўп қаватли уй, уларда 1 миллион 300 мингдан ортиқ хонадонлар бор. Бу уйларнинг 68 фоизига ширкатлар, 24 фоизига бошқарув компаниялари хизмат кўрсатади, 8 фоиз уйлар эса мулкдорлар томонидан умуман бошқарилмайд.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари 4 минг 430 та бўлиб, шундан атиги 1 минг 350 таси ёки 30 фоизи яхши ишлайди холос. Қолгани ўрта ва оғир шароитда. Ўрганишларда аниқланишича, тўловлар бўйича тарифларнинг норентабеллиги, ҳисоб-китобларнинг шаффоф эмаслиги, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг эскиргани муаммоларга сабаб

бўлмоқда. Кўп ширкатлар ўз вазифасини бажармайди, бунинг учун уларда кадрлар етишмайди. Оқибатда хонадон эгаларининг ширкат ва бошқарув компанияларига ишончи йўқолган. Бадалларнинг тўлиқ йиғилмаслиги туфайли дебиторлик қарздорлиги ошиб кетган. Давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйларда яшовчи одамларни қийнаб келаётган бу масалага эътибор қаратиб, хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича мутасаддилар олдиға вазифа кўйган эди. Шунга мувофиқ, чет эллик мутасаддиларнинг жалб этган ҳолда жойларга чиқилиб, аҳоли ва ширкатлар вакиллари билан фикрлашилди, муаммолар

реестрини юритиш, ҳар бир кўп қаватли уйга алоҳида шахсий ҳисоб рақам очиш, унинг хизмат кўрсатиш ҳудудини аниқ белгилаш, мулкдорларга ҳисобот бериш тартибининг такомиллаштириш, ҳисоб-китобларга биллинг тизимини жорий қилиш мўлжалланган. Шунингдек, янги кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилганидан кейин икки йил мобайнида қурувчи ташкилот бошқаруви бўлишини белгилаш, турар жойларни сақлаш ва ундан техник фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳам талаб этилмоқда. Бошқарув компаниялари ва ширкатлар ходимларини ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев соҳани тубдан такомиллаштириб, хизмат кўрсатиш бўйича замонавий тизим яратиш юзасидан топшириқлар берди. Кўп қаватли уйларни қуришдан олдин хизмат кўрсатишни ўйлаш, турар жойлар фонди ва ҳудудини оқилона сақлаш кераклигини таъкидлади. Таъмирланмаган уй-жойлар қамровини кенгайтириш, бошқарув компаниялари ва ширкатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Молия вазирлигига белгиланган чора-тадбирлар учун маблағ ажратиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

## САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР, ИЛИҚ ТААССУРОТЛАР

Аввал хабар берилганидек, мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси Давлат думаси Мудофаа масалалари бўйича кўмитаси раиси, Россия қаҳрамонлари ассоциацияси президенти Владимир Шаманов бошчилигидаги делегация аъзолари кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

### Ташриф

Бухоро билан танишув IX асрда бунёд этилган ноёб ёдгорлик — Сомониёлар мақбарасидан бошланди. Шундан сўнг меҳмонлар қадимий Арк қалъасида бўлиб, халқимизнинг бой ўтмишини ҳикоя қилувчи музей экспонатларини томоша қилди. Мир Араб мадрасаси, Минораи Калон, Масжиди Калондан иборат "Пойи Калон" мажмуи, сўлим Лабиҳовуз, савдо тоқлари, карвонсаройлар тарихи делегация аъзоларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида амалга оширилган кўнг кўламли ишларга юқори баҳо берилди. Алоқаларни мустаҳкамлаш, барча соҳада жадал ривожланиш бораётган Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳусусида фикр билдирилди. Россиялик меҳмонлар юртимизга ташрифи доирасида, шунингдек, Қарши шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти ҳамда пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясида ҳам бўлиб, уларда тахсил олаётган курсантлар билан самимий суҳбатлашди. Ҳарбий учувчилар ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш, уларнинг назарий ҳамда амалий машғулотлар олиб боришларида ушбу муассасалар имкониятларидан самарали фойдаланилаётгани алоҳида таъкидланди.

Россия Федерацияси Давлат думаси Мудофаа масалалари бўйича кўмитаси раиси, Россия қаҳрамонлари ассоциацияси президенти Владимир Шаманов бошчилигидаги делегация аъзоларининг юртимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф доирасида делегация аъзоларининг вилоят ҳокими Ботир Зарипов билан мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбатда

«Халқ сўзи».

## МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ВА КУТИЛАЁТГАН РАСМИЙ ТАДБИРЛАР

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот хизматининг навбатдаги брифинги бўлиб ўтди.

### Брифинг

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот қотиби Шерзод Асадов ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган ва жорий ҳафтада кутилаётган расмий тадбирлар ҳусусида оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача маълумот берди. Таъкидланганидек, ўтган ҳафтада Президентимиз "Uzbekistan airways" ҳамда "Uzbekistan airports" акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш бўйича тақдимотлар билан танишди. Унда халқимиз учун авиачипталар нархини арзонлаштириш, чиптани сотиб олишдан самолётга чиққунга қадар бўлган барча жараённи тўлиқ рақамлаштириш лозимлиги, шунингдек, Тошкент халқаро аэропортига кириб боришда-

ги анчадан бери ёпиқ ётган эстакада йўли очирилиши йўловчиларга катта қулайликлар яратиши таъкидлангани айтиб ўтилди. Эътиборлиси, Франция фуқаро авиацияси миллий мактаби билан биргаликда Тошкент давлат транспорт университети таркибида Фуқаро авиацияси учувчиларини тайёрлаш мактаби очирилиши ҳам режалаштирилган. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари раислигида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилгани, унда тармоқда амалга оширилаётган ишлар билан бирга, қатор муаммолар ҳам таҳлил этилиб, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилгани айтиб ўтилди.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

24 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ён тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди. Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.



Дастлаб "Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади глобал коронавирус пандемияси давом этаётган бугунги кунда республикамиз аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кафолатли таъминлаш ҳамда нарх-наволар асосида ўсиб кетишига йўл қўймайсиздан иборатдир. Мажлисда таъкидланганидек, кунгабоқар уруғи ва ёғи бўйича таъшиқ бозорларида шаклланиётган салбий баҳо кўрсаткичлари мамлакатимиз ички бозоридagi нарх-навога ва ижтимоий ҳолатга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Буни мамлакатимиз истеъмол бозорига ўсимлик ёғига бўлган йиллик ўртача 460 минг тонна эҳтиёжининг тахминан ярми импорт ҳисобидан қопланишидан ҳам кўрсак бўлади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти маълумотида ҳам 2021 йил март ойида дунё бўйича ўсимлик ёғи ўртача нархи ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 86 фоиз, жорий йил бошига нисбатан эса 21 фоиз қимматлашгани қайд этилган.

Мамлакатимизга 70 фоиз кунгабоқар ёғи импорт қилинадиган Россия Федерациясида бир тонна кунгабоқар ёғи нархи 2020 йил декабрь ойида ўртача 900 долларни ташкил этган бўлса, 2021 йил март ойида 1 250 долларгача ёки 39 фоиз ошган.

Шу билан бирга, Россия томонидан жорий йил 1 сентябрдан бир йил муддатга кунгабоқар ёғини экспорт қилишда бож тўловининг жорий қилиниши ҳам назарда тутилган. Ушбу ўзгаришлар таъсири натижасида ўтган бир йил давомида мамлакатимизда кунгабоқар ёғи нархи ўртача 38 фоиз қимматлашган.



## Инновацион ҳудудлар: УРГУТГА ИЛМ-ФАН НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида вилоят фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тадбиркорлар, нурунийлар ва ёшлар қатнашган учрашувда мамлакатимизнинг барча ҳудудидagi сингари Самарқанд вилоятида ҳам катта ўзгаришлар бўлаётгани, одамларнинг дунёқараши ўсиб, фаоллиги ошаётганига тўхталиб: "Бугунги давр, шиддаткор замон жонажон Ватанимиз тараққиёти, бунёдкор ва танти халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. Ва бу ҳар биримиздан, айниқса, ижро ҳокимияти органлари раҳбарларидан юксак масъулият, фидойилик талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан бугун Самарқанд вилоятида ҳам кўп ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётганини кўраёмиз. Кўллаб



Нуктаи назар

янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда..." деб таъкидлади. Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда тубдан янгиланиш жараёнлари улкан кўлам ва шитоб билан давом этмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг турли тармоқларига инновацияларни жорий этиш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.



## РУСЛАН НУРУДИНОВ ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ



Пойтахтимизда оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатининг эрақлар ўртасида —109 кг. вазн тоифасидаги беллашувлари ўз якунига етди. Қувонарлиси, унда ҳамюртларимиз Руслан Нурудинов олтин, Акбар Жўраев кумуш медални қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, даст кўтариш машқида хитойлик Янг Чже юртдошларимизга жиддий рақобатчи эканини кўрсатди. Хитойлик полвон ушбу машқда 200 кг. тошни бўйсундириб, янги жаҳон рекордиға муаллифлик қилди. Бу машқда Жўраев 194 кг., Нурудинов 188 кг. натижа қайд этди. Силтаб кўтариш машқида олтин медал учун рақобат икки вақилимиз ўртасида кечди. Яқунда Руслан Нурудинов 241 кг. билан Осиё чемпионлигини қўлга киритиш баробарида, янги жаҳон рекордини ўрнатилган муваффақ бўлди. Кумуш медал Акбар Жўраевга, бронза медал эса хитойлик Янг Чжега насиб этди.

Тошкентда қилибозлик бўйича "Токио — 2020" ёғи Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи Осиё — Океания саралаш турнири старт олди. Мазкур мусобақа пойтахтимиздаги гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби залида бўлиб ўтмоқда. "Токио — 2020" лицензион мусобақаси терма жамоамиз учун муваффақиятли бошланди. Ҳамюртларимиз Шерзод Мамутов ва Зайнаб Дайибекова Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди. Эндilikда мазкур турнирда миллий терма жамоамиз вакиллари рапара турида Яна Алборова ва Аҳмадиллохон Солиҳодиев ҳамда шпагада Файзулла Алимов юртимиз шафарида химоя қилиб, Токио олимпиадасига йўлланма олиш учун курашади.

«Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари; туманлар (шаҳарлар) бош давлат санитария врачлари».

(Давоми 2-бетда).

Хосан ПАЙДЎВ олинган сурат.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 483-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда; № 8, 470-модда; № 11, 791-модда) 4-моддасининг биринчи қисмидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зарарқундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 116-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 4-модданин матнидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 7-модданин: номидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология хизматининг» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 17-модданин иккинчи қисмидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 18-модданин матнидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 19-модданин иккинчи қисмидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган

сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 24-модданин олтинчи қисмидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 26-модданин иккинчи қисмидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик оқсоқошлик тўғрисида»ги ўРҚ-393-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 314-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модданин еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Санитария-эпидемиология хизмати – аҳолининг санитария-эпидемиологик оқсоқошлиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг тузилмасига кирувчи ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлиmlлари ва ташкилотларини ўз ичига олган ягона тизим»;

2) 8-модда: биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги бошқармалари, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги бўлиmlлари»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ушбу модданин биринчи қисми учинчи хатбошисида ҳамда иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлиmlларнинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилинишини, бу фаолият мувофиқлаштириб бoрилишини таъминлайди».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган «Она сутти билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига

доир талаблар тўғрисида»ги ўРҚ-574-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 673-модда) 7-моддасининг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «Мақтабача таълим ва тарбия тўғрисида»ги ўРҚ-595-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 46-модданин иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 47-модданин учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик оқсоқошлик ва жамоат саломатлиги хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрозиларга etkazилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 26 апрель № ўРҚ-685



Ўзбекистон халқи огир жудоликча учради. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Хасан Норбекович Нормурадov шу йил 24 апрель куни 82 ўшадай вафот этди.

Хасан Нормурадov 1939 йил 16 ноябрь куни Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилди. Урта мактабни тугатиб, Каттақўрғон педагогика билим юрти ва Самарқанд давлат университетида тахсил олди.

Хизмат фаолиятини ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси лавозимида бошлаб, кўп йиллар давомида Самарқанд вилоятининг турли шаҳар ва туманларида ишлади. Жумладан, Каттақўрғон шаҳри, Жомбой, Нарпай туманларида раҳбарлик лавозимларида, Самарқанд вилоят партия қўмитасининг котиби сифатида самарали фаолият кўрсатди.

1988 — 1995 йиллари Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси бошқиги, 1995 — 2003 йиллари Халқ таълими ва фан ходимлари кассаса уюшмасининг Самарқанд вилоят кенгаши раиси бўлиб ишлади.

2003 йилдан «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси, 2020 йилдан Самарқанд вилояти маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари вазифасида фидоқорона меҳнат қилди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБЕКОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Э. ТУРДИМОВ, С. ТУРДИЕВ

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ВА КУТИЛАЁТГАН РАСМИЙ ТАДБИРЛАР

— Давлатимиз раҳбари туризм, ахборот технологиялари, йўл бўйи инфратузилмаси, тиббиёт, таълим ва бошқа йўналишларни ривожлантириш ҳақида тўхталиб, ушбу мақсадлар учун бюджетдан ва «Миллий банк» АЖ томонидан тадбиркорларга жами 500 миллион доллар йўналтирилган бўлди. Бу хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига катта туртки, стимул беради, — деди Президент Матбуот котиби Ш. Асадов.

Бундан ташқари, брифингда шу йил 23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти 6 та хоржий давлатнинг, Европа Иттифоқининг мамлакатимизга янги тайинланган элчилардан ишонч ёрликларини қабул қилиб олгани, ушбу давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилгани, улардан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни янги боқсичга кўтаргани қўллаб-қувватлаш бўйича олгани ҳамда Президентимиз мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини яқунлаётган Тожикистон Республикасининг Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Содиқ Имомийни қабул қилгани ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари ўша куни Тошкент шаҳридаги янги корхоналар ва пойтахтдаги ободонлаштириш ишлари билан танишди. Брифингда ушбу тадбирларда тармоқлар ҳамда ҳудудларни ривожлантириш бўйича жорий этилаётган янгиликларнинг аҳамияти, халқимиз учун муносиб шарт-шароитлар яратишдаги афзалликларига алоҳида урғу берилди.

Брифингда шу ҳафта давомида бир қатор расмий тадбирлар бўлиб ўтиши ҳақида ҳам ахборот берилди.

— Шулар қаторида, қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш бўйича видеоселектор ўтказилиши режалаштирилган, — дейди Ш. Асадов. — Унда иккита асосий йўналиш, яъни, биринчиси, ички бозорни қурилиш материаллари билан етарлича таъминлаш, энергия самардорлиги орқали таннархни тушириш, иккинчиси, импорт таркибини ўрганиб, уларнинг ўрнини босадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бунинг учун янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириб, корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, ҳудудларда иқтисодийёт тармоқлари самарадорлигини ошириш, темир йўл транспорти тизимидаги трансформация жараёнларини жадаллаштириш юзасидан тақдимотлар ўтказилиши, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимўхамедов билан мулоқотлари ҳам режалаштирилгани айтиб ўтилди.

Раҳим ШЕРКУЛОВ («Халқ сўзи»).

ИЖРОДА МАСЪУЛЛИК ҲАМДА ТАЛАБЧАНЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ДОЛЗАРБ



Кеча сийёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари видеоконференция тарзида бўлиб ўтди. Унда Ҳаракатлар стратегиясини «Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи чорақдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, шунингдек, қуйи палатанин навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракцияларда

Экспортчи корхоналарнинг 447 та муаммоли масаласи ҳал этилган

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Ҳукумат ҳисоботида келтириб ўтилган рақамларга эътибор қаратилди.

Таъкидланишича, ҳудудларда ер ўзлаштиришда ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширишга кластерлар, фермер ҳўжаликлари, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа тадбиркорлар томонидан 1,2 триллион сўм микдорида маблағ йўналтирилиб, республика бўйича 42,2 минг гектар майдонда мевали боғлар ҳамда 29 минг гектар узумзорлар барпо этилган. 111 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан 270 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил қилинган.

Мамлакатда ёшларни қишлоқ ҳўжалигида иш билан банд этиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида жами 233,6 минг гектар майдон ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда 191,9 минг нафар ёшнинг тармоқда бандлигини таъминлаш учун 55,7 минг гектар майдон ажратиб берилган.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат дастурининг, асосан, иқтисодийётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, экспортчи корхоналарнинг муаммоларини ҳал этиш, уларга зарур қўмак бериш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо ва-

зирлиги ҳузурида 24 соат фаолият юритувчи республика экспорт штаби йўлга қўйилгани натижада экспортчи корхоналарнинг 447 та муаммоли масаласи теъроflik билан ҳал қилингани алоҳида эътироф этилди.

Ҳисобот даврида ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди.

Хориждаги меҳнат бозорини диверсификациялаш — муҳокама марказида

Ўзбекистон «Миллий тиклишни» демократик партияси фракцияси аъзолари Вазирлар Маҳкамаси вакилининг ҳисоботини эшитгандан сўнг партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда айрим масалалар бўйича тушунтириш ҳамда изоҳ беришни сўради.

Жумладан, фракция раҳбари Алишер Қодиров меҳнат мигрантлари масаласига тўхталиб, Россия ишсиз ватандошларимиз учун ҳамон энг асосий меҳнат бозори бўлиб қолаётганини, бу тўғри ҳолат эмаслигини таъкидлаб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мигрантларни қўллаб-қувватлаш, бошқа давлатларнинг меҳнат бозорини, жумладан, собиқ социалистик мамлакатлар, собиқ иттифоқ ҳудуди, узоқ Шарқ давлатлари меҳнат бозорларини ўрганиш ва у ерга меҳнат ресурсларини жўнатиш бўйича қандай ишлар қилинганлиги хусусида савол берди.

Вазирлик вакили бу саволга жавоб

берар экан, пандемия даврида меҳнат мигрантлари масаласида жуда кўп муаммолар туғилаётганини, шундан келиб чиқиб, вазирлик уч йўналишда — қонунчилик, таъкилий ва молиявий йўналишлар бўйича ишлаётганини қайд этди.

Партия раиси ушбу масала яқин 5 — 10 йилда ҳал бўлиб қоладиган масала эмаслигини айтиб, вазирликни меҳнат бозорига диверсификациялаш муҳимлигини таъкидлади.

Вазир ўринбосари Баҳодир Умурузоқовнинг айтишича, Меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамғарма ташкил қилинди ва унга 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ, аввалло, чет элларда қийин аҳолига тушиб қолган ватандошларимизни Ўзбекистонга қайтаришга сарфланди. Утган йилнинг охири ва шу йилнинг февралигача тахминан 362 киши қайтариб келинди. Утган йилги иш пайтида ҳалок бўлган 211 нафар юртдошимизнинг жасади жамғарма ҳисобидан олиб келинди. Битта жасадини Ўзбекистонга олиб қилиш учун эса камидан 25 — 30 минг доллар сарфланди. Уларнинг жаноза маросимлари, oilасини қўллаб-қувватлаш ва бошқа тадбирлар ҳам жамғарма ҳисобидан маблағ сарфланган.

Вазирлик вакилининг таъкидлашича, Россия, Польша, Венгрия, Болгария, Руминия, Қувайт, БАА, Япония ва Жанубий Корея билан меҳнат мигрантларини жалб қилиш бўйича йил якунига қадар бўлган муддатда шартнома имзоланган. Улар, асосан, тил билиш ҳамда соҳа мутахассис бўлиш талабини қўймоқда. Ҳозир уларни саралаш ва тил ўргатиш ишлари олиб бoрилмоқда. Йил охирига расман 500 минг фуқарони чет элга ишлашга жўнатиш имконияти бор.

Айрим бандлар бажарилмагани очикланди

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Давлат дастури ижросининг самарали бажарилишига Вазирлар Маҳкамаси алоҳида эътибор қаратиб келаётгани, Ҳукумат томонидан вазифалар нazorатини олиб бoриш ва кўмаклашишга қаратилган тизим яратилгани ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, бажарилмаган муддатлари кечикётган бандларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Давлат дастурининг 88-бандида белгиланган ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш орқали фуқаролар, айниқса, «ёшлар дафтари»га киритилган инсонларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари

харидига 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратишни назарда тутувчи топширик ҳалигача ижрога йўналтирилмагани депутатлар танқидига сабаб бўлди. Бандлик масаласи долзарб аҳамият касб этаётган бир даврда ушбу вазифа ижросига жиддий ёндашиш кераклиги айтилди. Айни бугунги кунда аҳолига, айниқса, пандемия оқибатида ўз ишини йўқотган ва маблағ масаласида қийналаётган фуқароларимизга шароит яратиш мақсадида теъроflik билан ушбу масалаларнинг ижобий ечимини топиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш лозимлиги айтиб ўтилди. Бунда масъул идора ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари ушбу дастур, аввалло, фуқароларни рози қилиш ва мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги нуқтаи назардан ёндашишлари зарурлиги урғу берилди.

Ижтимоий соҳада қандай натижаларга эришилди?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат дастури асосида ижтимоий соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, мактабга таълимнинг қамровини 60,9 фоизга etkazишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича биринчи чорақда 182 та янгидан бошланадиган лойиҳанин лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказилган. 1,5 минг қувватга эга 15 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабга таълим ташкилоти (НМТТ) ҳамда 5 минг қувватга эга 200 та oilавий шаклдаги НМТТ ташкил этилган. Мамлакатимизда 6 ёшли болаларнинг 77 фоизи қамраб олинмишига эришилган.

Ҳукумат томонидан ҳисобот даврида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, аҳоли мақсадили скрининги ва патронаж ҳамда уларнинг саломатлигини тиклаш ишлари юзасидан шу йил 31 март ҳолатига 21 та oilавий шифокор пункти ва 6 та oilавий поликлиника, тизимда мутлақо янги — Тиббий-иқтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Саҳоват ва Муруват интернет уйлари янги тузилган агентлик тизимига ўтказилиб, улардан яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун тўланадиган oilик пенсия микдори 10 фоиздан 20 фоизга оширилгани депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Депутатлар Давлат дастурида белгиланган айрим вазифалар ижроси бўйича ҳисоботда етарлича маълумотлар акс этмаганини таъкидлаб, вазирлик-идоралар мутаассадларидан изоҳ сўради. Шунингдек, депутат сўровларига бир хил мазмунда, изоқки жавоблар бeриш ҳолатлари учраб турганига эътироз билдирилди.

«Ақлли тартибга солиш» усуллари ва баҳолаш тизими

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари Давлат дастурида назарда тутилган давлат ҳамда жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодийётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро тотушлик ва диний баргикенгликни таъминлаш мақсадида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилганини қайд этди.

Хусусан, экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ислохотларни изчил давом эттириш, шу жумладан, атропо-муҳитнинг ifлосланishi даражасини кузатиш, баҳолаш, прогноз қилиш, давлат экологик нazorатини доимий ахборот билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Фракция аъзолари мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятининг сифатини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи янги инновацион «ақлли тартибга солиш» усулларини таъкид этиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими жорий қилинганини эътироф этди.

Шу билан бирга, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича фракция аъзолари Ҳукумат вакилларига ўзларининг таъкид ва тавсияларини берди ҳамда мазкур вазифалар ижроси юзасидан депутатлар ҳам oilкама-oilка фаолият олиб бoриши айтилди.

Йиғилишларда сийёсий партиялар фракциялари қоронавирус билан боғлиқ мураккаб вазият бутун дунё иқтисодийётга, жуда кўплаб соҳалардаги узишга жиддий салбий таъсир кўрсатаётгани, Президентимизнинг қўрсатма ва топшириқлари асосида мамлакатимизда умумий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш учун барча зарурий чоралар қўрилаётганини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирди. Мухомадаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».







Инновацион ҳудудлар:

УРГУТГА

ИЛМ-ФАН НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Илм-фанга эътибор сезиларли даражада орди, илмий лойиҳаларни молиялаштириш тизими ҳамда кўлами ўзгарди.

ишлов беришнинг энг самарали ҳамда замонавий усуллари жорий қилишга қаратилган.

маган ҳолда паррандачилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг сифат ва сон жиҳатидан орттиришга хизмат қилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар

Ургут туманида 520 мингга яқин аҳоли яшайди. Бир туманда шунча аҳолининг яшаш, албатта, ер танқислигига олиб келади.

Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали олимлари томонидан яратилган, такрорий экинлар уруғини экиданги комбинациялашган қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этиш ушбу масалани самарали ечишга хизмат қилади.

Ветеринариянинг замонавий тизими яратилади

Вилоятлар ва туманларни инновацион ҳудудга айлантиришда, аввало, илм-фан натижаларини тез суръатларда жорий этиш ва шу орқали аҳолининг оғирини енгилатиш, юртимизнинг қайси ҳудудига яшайдиган қатъи назар, инновациялардан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсад қилинган.

Ургут туманида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш ҳам шаҳар инфратузилмаси ва аҳоли турмушига ижобий ўзгаришлар олиб келади.

28 минг гектар майдон экин экишга мўлжалланган бўлса, ундан 8 минг гектарига такрорий экинлар экилади. Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида яратилган такрорий экинлар уруғини экиданги комбинациялашган қурилманинг санонат намунасини яратиш бўйича амалий лойиҳаси қишлоқ ҳўжалигида асосий экиндан сўнг, шу йилнинг ўзига ҳосил беришчи ўсимликларнинг экишнинг сифатини оширишга қаратилган бўлиб, мазкур қурилманинг қўлланилиши сув сарфининг 17,3 фоиз тежаллашига ва ёғилги сарфининг 2,8 марта камлашишига, меҳнат унумдорлигининг эса 25 фоиз ошишига олиб келади.

Ургут туманида техник каннабис етиштириш учун 760 гектар ер майдони ажратилди. Каннабис уруғларини етиштириш ва селекция қилиш йўналишида илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун лаборатория ҳамда ҳам ашёни қайта ишлаш бўйича заводлар ташкил этилади.

Йўл қурилишида тупроқни барқарорлаштириш технологиясининг афзаллиги нимада?

Худуд ривожланишининг асосий омилларидан бири — унинг инфратузилмасини тақомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этишдан иборатдир.

Шу ўринда нима учун шу йўлларга шўна шағал ташлаб қўйиш мумкин эмас, шунга пул сарфлаш шартми, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Гап шундаки, Ургут тугилиш ҳудуд бўлгани учун ерда ёгингарчилик кўп, сел келиш хавфи бора, ётқирилган шағални ёгингарчилик бири йилда ювиб юборади.

Ургут туманида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш ҳам шаҳар инфратузилмаси ва аҳоли турмушига ижобий ўзгаришлар олиб келади.



лари, қишки-ёғги кондиционер билан жиҳозланган қутиш жойларига эга 10 та "Ақлли бекат" қуёш панеллари ёрдамида ишлайди.

Шунингдек, тумандаги жамоат жойларига 220 та интеллектуал кузатиш камерасини ўрнатиш жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш имконини беради.

Кўзи оғизлар учун қулайликлар

"Ургут" эркин иқтисодий зонасида инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жағмағмаси маблаглари ҳисобидан AR (Augmented reality) — тўлдирилган реаллик асосида маркетинг платформаси жорий этилади.

Маҳаллий тадбиркорлар билан биргаликда эса хорижий аналоглардан бир неча баробар арзонроқ бўлган "Мобил авто музлаткич", "Алкотестер" ҳамда автомобиллар учун "SOS" қурилмалари моделларини яратишга қаратилган стартап лойиҳалари йўлга қўйилди.

"Ургут" эркин иқтисодий зонасида ноъанавий маҳсулотлар — имконияти чекланган инсонлар учун махсус ускуналар яратишни йўлга қўйишни тақдим этилган. Бу — кўзи оғизлар учун инновацион ҳасса, Брайль клавиатураси ва дисплейи.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда республикамизда 200 мингдан зиёд одамларда у ёки бу даражадаги кўз хасталиқлари мавжуд бўлиб, Ургут туманида 160 нафар киши ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти аъзосидир.

Кўриш қобилияти чекланган шахслар учун махсус клавиатура эса анъанавий Брайль алифбосидан фойдаланган ҳолда исталган русумдаги смартфонларга USB интерфейси орқали уланиб, улардан фойдаланиш имконини беради.

Телемедицинага асосланган инновацион клиника

Ҳозирги кунда инновациялар энг кўп жорий этилаётган соҳалардан бири — тиббиётдир. Тиббиётимиз инновацияларга мўҳтож, аҳоли эса сифатли тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши шарт.

Клиниканинг асосий вазифаси чекка ҳудудларда жойлашган аҳолини мамлакатимиз марказидаги малакали шифокорлар ва дунёнинг исталган нуктасидаги тиббиёт маҳасаларидаги мутахассислар билан реал вақт мобайнида болганиб (онлайн), тиббий қўриқдан ўтказиш ҳамда сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, терапевтик даво маслаҳатларини олиш имконини беришидир.

ташхис қўяди ҳамда терапевтик даво чораларини белгилайди. Бундан ташқари, клиникага массаж ётоқчаси ва оёқ массаж ускунаси каби замонавий ёрдамчи жиҳозлар ҳам ўрнатилади.

Бугунги кунда қўллаб қасалликларнинг аллергенлар билан болглиги исботланган. Қасалликнинг оқибатини эмас, сабабини топиб, даволлаш мўҳим саналади. Шу муносабат билан туманда молекуляр аллергология соҳасини ривожлантириш мўҳим аҳамият касб этади.

Ургутдаги тиббиётга доир муаммолардан яна бири — қариндошлар ўртасидаги ниҳоллар экани ҳам эътиборни тортмай қолмайди. Яқин қариндошлар ўртасидаги ниҳолдан туғилган болаларда жуда кўп наслик қасалликлар учраши кузатилади, туманда ҳатто камбە генетик қасалликлар ҳам учраб туришини аниқлади.

Бизнес-акселератор имкониятлари

Ургут туманида истиқомат қилувчи жами 520 минг аҳолидан 100 минг нафаридан ошган 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Улардан 4 минг нафари "ёшлар дастури"га киририлган. 2 минг 160 нафари эса исҳис ҳисобланади.

Бизнес-акселератор бизнесни ривожлантириш учун керакли билымларини беради ва зарурий алоқаларни ўрнатишга қўмақлашиб, тадбиркорликни бошлаш учун маблаг олиш усулларини ўргатади.

АҚШнинг Массачусетс технология университетини, Аризона университетини ва Алматы менежмент университети билан ҳамкорликда "REAP" худудий акселератор дастури устида ишляпмиз. Ушбу дастур доирасида "Ургут" ЭИЗда ўқишлар ташкил этилади.

Худуд иқтисодиётида мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тайёр илмий ишланмаларни жорий қилиш, илмий ташиқлотлар билан ҳамкорликда янги тадқиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида олий таълим маҳасалари, илмий ташиқлотлар, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда тармок ташиқлотлари билан биргаликда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш форуми ўтказилди.

Базирлигимиз жамоаси мамлакатда амалга оширилаётган ва барча соҳани қамраб олган, кишилари янги марраларга илҳомлантираётган янгиликларни жараянлари самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиши халқ ишончи, розилиги ҳамда хайрхоҳлиги учун зарур бўлган ишларни амалга оширишда куч-қайратини аямаяди, албатта. Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, "Қаочони халқимизнинг дунёқарашини ўзгартириб, бугунги ислохотларга ишончи ва хайрхоҳлиги ошса, давлатдан, раҳбарлардан рози бўлса, фаолиятимизга берилган баҳо, олиб бораётган сазй-ҳаракатларимиз натижаси шу бўлади".

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазирини, академик.

«Юртим, сени илдоолар қилмай қилмай севаман»

Анджон шаҳридаги Мўхаммад Юсуф номидаги майдонда элимиз суйган иждокор, Ўзбекистон халқ шоири Мўхаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллигига бағишланган "Юртим, сени илдоолар қилмай қилмай севаман" номли адабий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда шоир ва ёзувчилар, адабиёт муҳлислари, таълим маҳасалари ўқитувчи ҳамда ўқувчилари, талабалар, иждокор ёшлар қатнашди.

Тадбир аввалида Мўхаммад Юсуф бости пойга гуллар қўйилиб, юксак ахтиром қўрсатилди. Ўзбекистон халқ шоири Мўхаммад Юсуф ёркин истеъдоди, бетакдор асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан адабиётимиз равнақига катта ҳисса қўшди.

Тадбир ҳақиқий адабиёт, шеърят байрамига айланган кетди. Иждокор ва хаваскор ёшлар томонидан ўқилган шоир шеърлари, санъаткорлар томонидан овоз этилган қўшиқлар барчага хуш қайғайт ўқилди.

Тадбирда вилоят ҳўким Шўҳратбек Абдураҳмонов сўзга қўчди.

Мўхаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллигига бағишланган бу каби адабий тадбирлар меҳнат жамоалари, таълим маҳасаларида, хуусусан, шоир туғилиб ўсган Марҳамат туманидаги Қовуни маҳалласида кечга қадар давом этди.

«Халқ сўзи».

Нукусда кислород станцияси очилди

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси "Эзгу амал" жамоат хайрия фонди ташаббуси билан Европа тиланиши ва тараққиёт банкининг "Ўзбекистон билан бирдамлик" лойиҳаси доирасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиалида янги кислород станцияси ишга туширилди.

Тиббиёт

Олдинлари филиалга кислород баллонлари бошқа жойлардан олиб келинара ва бу орқича маблаг ҳамда вақтни талаб қиларди, — дейди филиал директори Саламат Бағалиев. — Эндиланда филиал кислород билан узлуксиз таъминланади. Шунингдек, фавқулодда ҳолатларда кислород таъминотининг узилиб қолмаслигини қафолатлади. Бойси махсус баллонлар автоматик тарзда филиалнинг ўзидики кислород билан тўлдирилади.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).



Алишер ИСРОЙЛОВ (ўса) олинган суратлар.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, phone numbers, and subscription details.